

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ХОЖИЕВ БАХТИЁР ИЛХОМОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ ҒАРБИЙ ҚИСМИ МЕЗОЗОЙ
ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ НЕФТГАЗГА САЛОҲИЯТИ ВА
МАҲСУЛДОРЛИГИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of dissertation abstract doctor sciences (DSc)

Хожиев Бахтиёр Илхомович

Бухоро-Хива региони ғарбий қисми мезозой ётқизикларининг
нефтгазга салоҳияти ва маҳсулдорлиги..... 3

Хожиев Бахтиёр Илхомович

Продуктивность и потенциал нефтегазоносности мезозойских
отложений западной части Бухаро-Хивинского региона..... 27

Hojiyev Baxtiyor Ikhomovich

Productivity and potential of oil and gas potential of Mesozoic deposits of the
western part of the Bukhara-Khiva region 51

Нашр қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 55

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ҲАМДА ҚИДИРУВИ
ИНСТИТУТИ**

ХОЖИЕВ БАХТИЁР ИЛХОМОВИЧ

**БУХОРО-ХИВА РЕГИОНИ ҒАРБИЙ ҚИСМИ МЕЗОЗОЙ
ЁТҚИЗИҚЛАРИНИНГ НЕФТГАЗГА САЛОҲИЯТИ ВА
МАҲСУЛДОРЛИГИ**

04.00.07 - Нефть ва газ конлари геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/GM49 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти” да бажарилган.

Диссертациянинг автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилларида резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ing.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Богданов Александр Николаевич**
геология-минералогия фанлари доктори

Расмий оппонентлар: **Иргашев Юлдашбой**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Раджабов Шухрат Сайфуллаевич
геология-минералогия фанлари доктори, доцент

Хайитов Одилжон Гафурович
геология-минералогия фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **«Ўзбекгеофизика» АЖ**

Диссертация ҳимояси Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институти ҳузуридаги DSc 24/30.12.2019.GM.41.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «04» октябр куни соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок, 507 х.; e-mail: igimigm@ing.uz).

Диссертация билан Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда кидируви институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4250 рақам билан рўйхатга олинган). Манзили: 100164, Тошкент шаҳри, Олимлар кўчаси, 64-уй, Б блок; e-mail: igimigm@ing.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил « 15 » сентябр куни тарқатилди.
(2022 йил «29» августдаги 1 рақамли реестр баённомаси).



Т.Х. Шоймуратов

Илмий даражадар берувчи илмий кенгашнинг
Раиси, г.-м.ф. д., к.и.х.

М.Г. Юлдашева

Илмий даражадар берувчи илмий кенгашнинг

Илмий котиби, г.-м.ф. н., к.и.х.

Г.Б. Евсева

Илмий даражадар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги

Илмий семинарнинг раиси ўринбосари, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда геологик-қидирув ишларининг асосий вазифаси саноатни барқарор энергетик хомашёлар билан таъминлаш ҳисобланади. Охириги йилларда саноат корхоналарининг ўсиши ва ривожланиши энергияни истеъмол қилишнинг доимий ошиб боришига, бу эса ўз навбатида, нефть ва газ захираларининг камайиб боришига олиб келмоқда. Шунга кўра, нефть-газ тармоғининг устувор вазифаларидан бири углеводород хомашё базасини қайта тўлдириш, мезозой ётқизиқларининг маҳсулдорлигини ва нефтьгазга салоҳиятини охириги олинган геологик-геофизик маълумотларни ҳисобга олган ҳолда тадқиқ қилишдан иборат.

Дунёда геологик-қидирув ишларининг оптимал ва самарали йўналишларини танлаш учун, нефтьгазли ҳавзаларнинг салоҳиятини қайта баҳолаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада мезозой ётқизиқлари бўйича геофизика тадқиқотларини ўтказиш, олинган маълумотларни қайта ишлаш ва талқин этиш услубиётини такомиллаштириш, углеводород уюмларининг турларини ва уларнинг шаклланиш шароитларини аниқлаш, нефтьгазли горизонтларнинг структуравий-тектоник тузилишига аниқлик киритиш; ёриқли-бузилишлар тарқалишини ўрганиш, углеводород уюмларининг шаклланишида ва тўпланишида палеотектоник шароитларнинг ролини асослаш; башорат ресурсларининг миқдорини ҳисоблаш орқали ўзлаштирилмаган майдонларнинг истиқболини ҳамда майдонларни ўзлаштириш рентабеллигини баҳолаш, нефтьгазликни баҳолашнинг геологик, геофизик, тектоник ва бошқа мезонлар комплексини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ёқилғи-энергетика комплексининг барқарор ривожланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда режали ва босқичма-босқич ривожланиш, энг янги техника ва технологияларни жорий этиш ҳисобига ҳар йили республикада углеводородлар хомашё базасини ўстириш амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар Стратегиясида «ҳар бир ҳудуднинг табиий ва минерал-хомашё салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ бўйича чоралар белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Бухоро-Хива региони ғарбий қисмининг ҳар бир тектоник элементи доирасида мезозой ётқизиқларининг маҳсулдорлигини ва нефтьгазга салоҳиятини аниқлаш, кам ўрганилган ҳудудлар ва ўзлаштирилмаган стратиграфик комплекслар бўйича хом ашё базасини ривожлантиришга қаратилган ҳолда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва Қарорларида, шу жумладан, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ўзбекистон Республикасини ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 25 майдаги ПҚ-3006-сон «2017-2021 йиллар даври учун минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, 2018 йил 12 февралдаги Р-5209-сонли «Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотларни ва технологияларни ривожлантириш бўйича чоралар тўғрисида»ги, 2019 йил 18 ноябрдаги ПҚ-4522-сон «Нефт ва газ геологик-қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Мезозой ётқизикларининг геологик тузилишини ва нефтгазга салоҳиятини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари дунёнинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан: University of State Utah, University of Texas, Society of Exploration Geophysicist (АҚШ), Oil Gas Scientific Research Project Institute (АҚШ), China University of Geosciences (Хитой), Миллий Политехника Университетида (Арманистон), И.М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетида, РФА Нефть ва газ муаммолари институтида, РФА Сибирь бўлимининг нефт-газ геологияси ва геофизикаси институтида, Қозон давлат университетида (Россия), Озарбайжон Миллий ФА Геология ва геофизика институтида (Озарбайжон), Геология фанлари институтида, Геология ва нефт-газ ишлари институтида (Қозоғистон), Туркманнефть, ТуркманНИПИнефть (Туркменистон) муассасасида, шунингдек «Ўзбекгеофизика» АЖда ва Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Дунё миқёсида илмий марказларда ўтказилган излов-қидирув ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича тадқиқотлар натижасида, бир қатор илмий натижалар олинган: Ғарбий Сибирдаги мезозой нефтгазли ётқизикларининг фашиал ва катагенетик хусусиятлари аниқланган (РФА Сибирь бўлимининг нефт-газ геологияси ва геофизикаси институти, Россия), Шимолий Каспий ва унинг атрофидаги мезозой ётқизикларининг нефтгазга истиқболлари палеотектоник жиҳатдан асослаб берилган («Лукойл» МЧЖ, «ВолгоградНИПИморнефть», Россия), Жанубий Иссиқкўл бўйининг Тоссор-Каджисай худудидаги мезо-кайнозой ётқизиклари ҳолати ва улар

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://earthpapers.net>; <http://www.ngtp.ru>; <http://www.geokniga.org/books>; <http://geologinfo.ru>; <https://www.niuif.ru> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

шаклланишининг палеогеографик шароитлари асосланган (ҚР МФА Сейсмология институти, Қирғизистон), Ғарбий Сибирь нефтгазли провинциянинг жанубий районларидаги мезозой ётқизиқларида нефть ва газ учун мураккаб структурали тутқичлар башоратланган («Тюмен нефть компания»си ОАЖ, Россия), жануби-ғарбий Туркманистондаги мезозой ётқизиқларининг истиқболлари баҳоланган («Газпром ВНИИГАЗ» МЧЖ, Россия).

Дунёда мезозой ётқизиқларининг маҳсулдорлиги ва нефтгазга салоҳиятини баҳолаш мақсадида бир қатор устувор йўналишлар бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: литологик тузилиши турлича бўлган тоғ жинсларини ажратиш услубиётини ишлаб чиқиш; нефть ва газга истиқболли структураларни асослашнинг геодинамик ва геологик-фациал мезонларини аниқлаш; нефтгазли регионлар ва конларнинг уч ўлчамли моделларини яратиш; геологик-геофизик маълумотларни ҳамда изловқидирув кудуқларини бурғилаш натижаларини қайта ишлаш ва талқин этишнинг инновацион усулларини ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олдин ўтказилган геологик-геофизик ва бурғилаш ишлари натижасида Бухоро-Хива региони ғарбий қисми ва унга ёндош ҳудудларининг чуқур геологик тузилиши ўрганилган.

Бухоро-Хива региони ғарбий қисми мезозой ётқизиқларининг нефтгазлилиги ва геологик тузилишини ўрганиш масалалари билан бир қанча олимлар шуғулланган, жумладан, А.М. Акрамходжаев, А.А. Абидов, Г.С. Абдуллаев, В.П. Алексеев, К.А. Алимов, Е.И. Арнаутов, П.У. Ахмедов, А.Г. Бабаев, Т.Л. Бабаджанов, Р.А. Габрильян, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, Г.Б. Евсеева, И.В. Еременко, Р.Т. Закиров, Я.Х. Иминов, О.А. Каршиев, И.А. Крылов, Х.Х. Миркамалов, А.К. Мальцева, Н.У. Мухутдинов, Т.И. Муминджанов, А.Х. Нугманов, Л.И. Рубо, Ю.М. Садыков, С.К. Салямова, Л.Н. Сафонова, А.Н. Симоненко, Б.Б. Ситдиқов, Г.С. Солопов, К.А. Сотириади, Д.Б. Султанова, Б.Б. Таль-Вирский, В.И. Троицкий, А.Р. Ходжаев, У.Х. Хакимов, Л.С. Хачиева, Н.Ш. Хайитов, Б.С. Хикматуллаев, Л.Г. Черкашина, Т.Х. Шоймуратов, М.Э. Эгамбердиев ва бошқалар.

Ўрганилган ҳудудда 2D сейсмиққидирув ишларининг бажарилган ҳажми 27994 пог.км ни ташкил этади, 2D профиллар билан қопланишининг ўртача зичлиги 1,42 пог.км/км² ни ташкил этади. 3D сейсмиққидирув ишлари Қандим кўтарилмаси, Кулбешкак-Питняк вали, Қоракўл эгиклиги, Учқир-Кимерек вали ва Биргутли эгиклиги ҳудудларида 894,5 кв.км ҳажмда бажарилган бўлиб, 3D сейсмиққидирув профиллари билан қопланишнинг ўртача зичлиги 0,04 кв.км/км² ни ташкил этади.

Шу билан бирга, мезозой ётқизиқларининг ҳар бир стратиграфик комплекслари бўйича излов ишлари ўтказилганлик даражаси юқори эмас, унинг нефтгазга салоҳияти етарлича ўрганилмаган. Бугунги кунда Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисмида геологик-геофизик тадқиқотларнинг катта ҳажми бажарилган бўлсада, юра даври терриген ва куйи бўр даври ётқизиқларини мақсадли ўрганиш етарли даражада эмаслигича қолмоқда.

Геологик-қидирув ишларини бажаришда ижобий натижаларни олиш учун, ётқизиклар ҳар бир стратиграфик комплекслар кесимида аниқ мақсадли ўрганилиши лозим. Шу сабабли, геологик-геофизик маълумотларни комплекс таҳлил қилиш асосида ҳудуднинг чуқур геологик тузилишини ва тектоник ҳолатини ўрганиш, Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисмида углеводород уюмларини излаш учун истиқболли объектларни аниқлашга ҳамда мезозой ётқизикларининг нефтгазга салоҳиятини баҳолашга имкон беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасанинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №407-14Б НГГ «Каттатепа, Тошқала майдонларида излов бурғилаш ва Караулбазар №1п параметрик кудуқлари маълумотларини илмий ишлаш бўйича геологик ҳисобот» (2014); 97-16Б «Шоркум майдонида нефть ва газ конларини излов лойиҳаси» (2016); 97-16Б «Кийиксой, Гультепа майдонларида нефть ва газ конларини излов лойиҳаси» (2016); «Тандирли майдонида нефть ва газ конларини излов лойиҳаси» (2016); 155-17Б «Миркомилкудук газконденсат конининг қидирув лойиҳаси» (2017); 152-17Б «Ёркин газконденсат конининг қидирув лойиҳаси» (2017); 183-18Д «Чаккакум газконденсат конининг тажриба-саноат ишлатиш лойиҳаси» (2018); 2-19 НГГ «Тандирли, Миройдин, Талдикудук, Бозбичкон майдонларида нефтгазга излов бурғилаш натижалари бўйича геологик ҳисобот» (2019); 198-19Д «Андакли газконденсат конининг экспериментал-саноат ишлатиш лойиҳаси» (2019) лойиҳа ва хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисмидаги мезозой ётқизикларининг нефтгазга салоҳиятини баҳолашнинг илмий геологик асосларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрганилаётган ҳудудда ҳар бир тектоник элементлар бўйича геологик-геофизик ва бурғилаш ишлари маълумотларини умумлаштириш;

қуйи бўр ва юра даври карбонат ётқизиклари устки қисми бўйича структура хариталарини ишлаб чиқиш;

Бухоро-Хива региони ғарбий қисмининг геологик тузилишини, тектоникасини ва нефтгаззлилик хусусиятларини ўрганиш;

палеотектоник таҳлил асосида геологик структураларнинг шаклланиш механизмини ҳамда тектоник бузилишларнинг ёшини аниқлаш;

мезозой ётқизиклари бўйича углеводород хомашёсининг башорат ресурсларини ва ўзлаштириш рентабеллигини баҳолаш;

муайян тектоник элементлар бўйича геологик-қидирув ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Бухоро-Хива региони ғарбий қисмининг мезозой ёшидаги ётқизиклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини Бухоро-Хива региони ғарбий қисми мезозой ётқизикларининг нефтгазга салоҳияти ва маҳсулдорлиги ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда геологик-геофизик кидирув ишлари амалиётида қўлланилаётган методлардан фойдаланилди, улар: бурғилаш, синаш, кудуқларнинг геофизик тадқиқотлари, сейсмиккидирув маълумотлари, чуқур кудуқлар кесимлари, аввал бажарилган тадқиқотлар маълумотлари таҳлилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива региони ғарбий қисмининг нефтгазга салоҳиятини миқдорий баҳолаш мақсадида мезозой ётқизиклари маҳсулдор горизонтларининг структура моделлари ишлаб чиқилган;

юқори бўр ва ўрта юра терриген ётқизикларининг турли типдаги нефть ва газ тутқичларини башорат қилиш учун қуйи бўр ва юқори юра карбонат ётқизикларининг геологик тузилиш қонуниятлари аниқланган;

Чорджўй поғонасининг Учбаш-Қарши флексура-ёриқли зонаси бўйлаб моноклинал қисмида жойлашган мезозой ётқизикларининг маҳсулдорлигини ноантиклинал тутқичлар билан боғлиқлиги аниқланган;

ўрта юра ва қуйи бўр даврининг терриген ётқизиклари қалинлигининг ўзгаришини таҳлили асосида Чорджўй поғонасининг нефтгазга салоҳиятини ошириш истиқболлари исботланган;

Бухоро-Хива региони ғарбий қисми мезозой ётқизикларининг маҳсулдорлиги асосан углеводородларнинг пастда жойлашган горизонтларидан юқоридаги горизонтларга вертикал миграцияси билан боғлиқлиги аниқланган;

Бухоро-Хива региони ғарбий қисмида башорат углеводород ресурсларининг тақсимланиши ва уларнинг концентрация даражаси асосида мезозой ётқизикларининг нефтгазга салоҳияти ва бурғилаш ишларининг юқори рентабеллиги исботланган;

Д₁ ва Д₂ тоифадаги башоратли углеводород ресурсларининг жойлашиш ва тақсимланиш даражасига кўра Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисмидаги мезозой ётқизикларининг нефтгазга истиқболлилик харитаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Бухоро-Хива региони ғарбий қисмининг қуйи бўр ва юра даври карбонат ётқизикларининг устки қисми бўйича структура хариталари ишлаб чиқилган;

Бухоро-Хива региони ғарбий қисмининг мезозой ётқизиклари бўйича углеводород хомашёсининг башорат ресурслари баҳоланган;

геологик-кидирув ишларининг устувор йўналишлари ишлаб чиқилган ва ўрганилган ҳудудда углеводород ресурсларини ўзлаштиришнинг рентабеллик даражаси аниқланган;

башоратли углеводород ресурсларининг концентрация даражасига кўра тақсимланиши бўйича нефтгазга истиқболлилик харитаси тузилган, излов ва кидирув ишларининг кейинги йўналишлари асослаб берилган;

Чорджўй поғонасининг юра ва қуйи бўр терриген даври ётқизикларининг маҳсулдорлиги ва нефтгазга салоҳияти асослаб берилган, бу эса углеводород уюмларини излашнинг стратиграфик диапазонини кенгайтиришга ва хомашё базасини ортиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги сейсмикқидирув ишларининг 2D, 3D маълумотлари, мезозой ётқизикларини очган 300 дан ортиқ чуқур кудуқларни бурғилаш маълумотлари, жумладан, кудуқлардаги геофизик тадқиқотларнинг маълумотлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисми мезозой ётқизикларининг чўкиши ва ҳосил шароитларини аниқлаш, геологик тузилишини, маҳсулдорлигини ва нефтгазга салоҳиятини, углеводород уюмларининг шаклланиш ва вақтини аниқлаш ҳамда геологик-қидирув ишларининг самарали йўналишларини танлаш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти излов-қидирув ишларини амалга ошириш учун нефтгазга истиқболли оптимал участкаларни ажратиш олиш, Ўзбекистон Республикасининг углеводород хомашё базасини орттириш мақсадида аввал аниқланган углеводород конларини кўшимча равишда разведка қилишдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисми мезозой ётқизикларининг маҳсулдорлигини ва нефтгазга салоҳиятини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Хатар майдонида геологик-қидирув ишларини қайта тиклаш юзасидан тавсия «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 20 июндаги 32-2890-сон маълумотномаси). Натижада, Хатар структураси ва Шаркий Хатар конининг геологик модели аниқлаштирилган, қидирув кудуғи бурғиланиб 55 минг.м³/сутка миқдорида саноат миқёсидаги газ оқимини олиш имконини берган;

аниқланган Шоликор ва Гурлан структураларини излов бурғилашга тайёрлаш мақсадида батафсил излов сейсмикқидирув ишларини бажариш юзасидан тавсия «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 20 июндаги 32-2890-сон маълумотномаси). Натижада, углеводородларнинг истиқболли ресурслари 4 млн.т.ш.ё.га яқин бўлган Гурлан нефтгазга истиқболли структурасини чуқур бурғилашга тайёрлаш имконини берган;

Бухоро-Хива региони Бухоро поғонасининг Янгиказган кўтарилмаси, Чорджўй поғонасининг Учқир-Питняк ваи ва Биргутли эгиклиги ҳудудларида МОГТ-2D батафсил излов сейсмикқидирув ишларини бажариш юзасидан тавсия «Ўзбекгеофизика» АЖда амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 20 июндаги 32-2890-сон маълумотномаси). Натижада, Хожитепа, Нурлисой, Мақсудкўл нефтгазга истиқболли структуралари юра даври карбонат ётқизиклари устки қисми бўйича аниқлашга хизмат қилган;

Хоразм моноклинал ҳудудида (Бухоро-Хива регионининг шимоли-ғарбий қисми) МОГТ-2D батафсил-излов сейсмикқидирув ишларини бажариш

юзасидан тавсия «Ўзбекгеофизика» АЖДа амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 20 июндаги 32-2890-сон маълумотномаси). Натижада, Хазорасп, Питняк, Жайхун, Мискин, Боғот, Янги Бозор нефтгазга истиқболли структуралари юра даври карбонат ётқизиқлари устки қисми бўйича аниқлаш имконини берган;

Курган структурасида 3-сонли излов қудуғини бурғилаш орқали излов ишларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан тавсия «Ўзбекнефтгаз» АЖДа амалиётга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2022 йил 20 июндаги №32-2890-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу структура 2022 йил учун бурғилаш ишлари режасига киритилган ва қудуқга геологик-техник лойиҳаларни ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларини апробацияси. Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий ишлар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 8 та Республика ва 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 5 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 209 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги асослаб берилган, унинг мақсади ва вазифалари ифодаланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси илм-фан ва технологиялари ривожланишининг асосий йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги очиқ берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бухоро-Хива региони ғарбий қисмида мезозой ётқизиқларининг геологик-геофизик ўрганилганлигининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида Бухоро-Хива региони ғарбий қисмида мезозой ётқизиқларининг геологик, геофизик ўрганилганлиги юзасидан маълумотлар келтирилган, унинг бурғилаш билан ўрганилганлик ҳолати умумлаштирилган.

Бухоро-Хива региони ғарбий қисми мезозой ётқизиқларининг нефтгазлиги ва геологик тузилишини ўрганиш масалалари билан бир қанча олимлар шуғулланган, жумладан, А.М. Акрамходжаев, А.А. Абидов, Г.С. Абдуллаев, В.П. Алексеев, К.А. Алимов, Е.И. Арнаутов, П.У. Ахмедов, А.Г.

Бабаев, Т.Л. Бабаджанов, Р.А. Габрильян, Ш.Д. Давлятов, Ф.Г. Долгополов, Г.Б. Евсеева, И.В. Еременко, Р.Т. Закиров, Я.Х. Иминов, О.А. Каршиев, И.А. Крылов, Х.Х. Миркамалов, А.К. Мальцева, Н.У. Мухутдинов, Т.И. Муминджанов, А.Х. Нугманов, Л.И. Рубо, Ю.М. Садыков, С.К. Салямова, Л.Н. Сафонова, А.Н. Симоненко, Б.Б. Ситдиқов, Г.С. Солопов, К.А. Сотириади, Д.Б. Султанова, Б.Б. Таль-Вирский, В.И. Троицкий, А.Р. Ходжаев, У.Х. Хақимов, Л.С. Хачиева, Н.Ш. Хайитов, Б.С. Хикматуллаев, Л.Г. Черкашина, Т.Х. Шоймуратов, М.Э. Эгамбердиев ва бошқалар.

1929 йилдан Бухоро-Хива регионида углеводородлар уюмларини излаш мақсадида геологик тадқиқотлар ва 1936 йилда аниқ мақсадли излов ва структура кудуқларини бурғилаш жараёни бошланган.

1929-1936 йилларда К.А. Сотириади, С.И. Ильин, О.С. Вялов, П.И. Михайлицкий, А.Г. Бабаев ва бошқа олимлар углеводородлар уюмларини излаш мақсадида Бухоро-Хива региони (БХР) худудида геологик тадқиқотларни ўтказган, уларнинг тадқиқотлари асосида излов ва структура кудуқларини бурғилаш бажарилган.

1935-1936 йилларда С.И. Ильин томонидан бир қатор бўр ва учламчи давр ётқиқиқларининг кесимлари таърифланган, Ғарбий Ўзбекистоннинг мезо-кайнозой даврлари палеогеографияси ҳақида қизиқарли фикрлар билдирилган, Бухоро поғонаси бўр даври ётқиқиқларининг нефтгазга истиқболлари юқори баҳоланган. Шуни қайд этиш керакки, Зарафшон тоғ тизмасидан Орол денгизигача бўлган худудда, Ғарбий Ўзбекистон кенг ва нефтгазга истиқболли вилоят сифатида тасаввур қилинган ва бу борада С.И. Ильин жуда катта хизмат кўрсатган, бу худудларда, албатта, бўр ва юра даврига оид ётқиқиқларда нефть ва газнинг саноат даражасидаги уюмлари мавжуд бўлган жуда кўп майдонлар аниқланди.

А.Г. Бабаев, Р.А. Габрильян ва бошқаларнинг илмий ишларида (1977, 1986 йй.) терриген формациясининг тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган. Улар амалга оширган ва монографияда (1977 й.) келтирилган таҳлиллар, БХР ва ЖҒХР худудида ўрганилган кесимлар, асосан, континентал ва денгиз келиб чиқишидаги тоғ жинсларининг терриген комплексидан таркиб топганлигини кўрсатган. Муаллифлар кесимларнинг иккита асосий турини: тўлиқ ва нотўлиқ (сингенетик-қисқарган) турини аниқлаган. Нотўлиқ (қисқарган) кесимлар учун стратиграфик диапазондаги кесимнинг бирор-бир қисми йўқолиб қолиши хосдир. Қисқарган кесимлар эгикликларнинг периферик қисмларига ва баъзи ички участкаларига боғланган бўлади. Бу кесимлар Бухоро поғонасида тарқалган. Уларнинг қалинлиги бир неча ўн метридан бошлаб 200-250 м гача бўлади.

Бухоро-Хива регионида тадқиқотнинг геофизик усуллари углеводород тутқиқларини излаш ва чўқинди ётқиқиқларнинг геологик тузилишини ўрганиш учун 1936 йилдан қўллана бошланган. Бугунги кунда Бухоро-Хива регионининг чуқурликдаги тузилиши магнитқидирув, гравикидирув, электрқидирув ва сейсмиққидирув усулларини қўллаган ҳолда ўрганилган.

Тадқиқот ҳудудида биринчи магнитқидирув ишлари 1951-1958 йилларда, М-2 магнитометри ёрдамида 1:200000 масштабда ўтказилган. Мешекли ва Янгиказган кўтарилмалари ҳудудида Я.Г. Воробьев, А.М. Шукевич томонидан АЭМ-49 асбоби ёрдамида 1:200000 масштабдаги аэромагнит съёмка ишлари бажарилган, унинг натижалари асосида изодинамалар ΔT_a харитаси ва тектоник районлаштириш схемалари тузилган. Ушбу съёмка маълумотлари асосида З.А. Макарова, Д.П. Голуб томонидан, магнит аномалияларининг тарқалиши ва герцин бурмали структуралар орасидаги боғланишлар аниқланган. Магнитли массаларнинг ётиш чуқурлигини ҳисоблаш асосида горизонтлар бўйича магнитли схемалар тузилди ҳамда фундамент тоғ жинсларининг моддалар тавсифи аниқланган. Магнитли массалар устки қопқоғигача бўлган чуқурликларни ҳисоблаш ва синик ёриқларни аниқлаш бажарилган.

1954 йилда 1:200000 масштабда ўтказилган гравикидирув ишлари ўрганилган ҳудуднинг тектоник элементлари тўғрисидаги тасаввурни яратишга имкон берган. Ушбу ўтказилган гравикидирув ишлари асосида Л.Г. Черкашина ва Б.Б. Таль-Вирский БХР нинг гравиметрик харитасини тузди.

1958-1959 йилларда Ўзбекистон геофизика трести томонидан вертикал электрзондлаш усули (ВЭЗ) билан электрқидирув тадқиқотлари (Л.А. Иванов) субмеридионал йўналишнинг бешта маршрути бўйлаб ўтказилган. Ушбу ишлар натижаларига кўра, Бухоро ҳудудидаги палеоген қатламлари ётқизиқларининг устки юзаси бўйича 1:50000 масштабдаги структура харитаси яратилган.

Сейсмиққидирув мезозой ётқизиқларининг тектоник жиҳатларини ва чуқур геологик тузилишини ўрганишга имкон берадиган асосий геофизик усул ҳисобланади. Акс эттирилган тўлқинлар усули (АТУ) билан батафсил-излов тадқиқотлари аввалига Бухоро поғонаси ҳудудида 1963–1970 йилларда ўтказилган (М. Какабадзе, И.Г. Кельнер ва бошқалар). Ушбу тадқиқотлар натижаларига кўра, XIII горизонтнинг устки қисми ($K_1 n+a$), карбонат юра жинсларининг устки қисми (J_{2+3}) ва терриген юранинг устки қисмларида (J_{1+2}) жойлашган қайтарувчи горизонтлар бўйича, 1:100000 масштабда структура хариталари тузилган. Бундан ташқари ҳудудда жойлашган Дояхотин, Кулбешкак, Парсанкўл, Оққум структуралари аниқланган ва излов бурғилаш ишларига тайёрланган.

Ўрганилган ҳудудда 2D сейсмиққидирув ишларининг бажарилган ҳажми 27994 пог.км ни ташкил этади, 2D профиллар билан қопланишининг ўртача зичлиги 1,42 пог.км/км² ни ташкил этади. 3D сейсмиққидирув ишлари Қандим кўтарилмаси, Кулбешкак-Питняк вали, Қоракўл эгиклиги, Учқир-Кимерек вали ва Биргутли эгиклиги ҳудудларида 894,5 кв.км ҳажмда бажарилган бўлиб, 3D сейсмиққидирув профиллари билан қопланишнинг ўртача зичлиги 0,04 кв.км/км² ни ташкил этади.

Умуман олганда, ўрганилган ҳудудда 410 та чуқур излов-қидирув қудуқлари бурғиланган, улардан 9 таси – параметрик қудуқлар, 199 таси – излов ва 202 таси – қидирув қудуқлари. Бурғиланган қудуқларнинг умумий

сонидан 48,5 % ни излов кудуқлари, 49,3% ни – қидирув, 2,2%ни – параметрик кудуқлар ташкил этади.

«Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисми мезозой ётқизиқларининг нефтгазлиги ва геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари» деб номланган иккинчи бобида ўрганилган ҳудуднинг литологик-стратиграфик хусусиятлари, геотектоник ҳолати ва нефтгазлиги батафсил ўрганилган.

Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисмидаги излов-қидирув бурғилаш натижаларини ўрганиш асосида кесимларнинг тавсифи берилган. Ўрганилган ҳудудда мезозой ётқизиқларнинг геологик тузилишида бўр ва юра даври ётқизиқлари иштирок этади. Мезозой ётқизиқлари стратиграфик номувофик тарзда дислокациясияланган палеозой ётқизиқларининг устида ётади. Ўрганилган ҳудудда триас системаси ётқизиқлари мавжуд эмас.

Чорджўй тектоник поғонасининг ғарбий қисмида юра системасининг ётқизиқлари, литологик белгилари ва парагенезисига кўра, формацияларга мувофиқ учта қалин қатламга бўлинади. Кесим бўйлаб пастдан юқорига йўналишда терриген, карбонат ва туз-ангидритли формациялар ажратилади.

Юра даври терриген формациясининг литологик-фациал хусусиятлари. Чорджўй поғонасининг шимоли-ғарбий қисмида ва умуман Бухоро-Хива региони бўйлаб қуйи-ўрта юра даврига хос бўлган ётқизиқлар, асосан континентал, денгиз-қирғоқбўйи ва денгиз тоғ жинсларининг терриген комплексларидан таркиб топган. Терриген юра формацияси бешта ритмосвиталарга бўлинади: Кимерек (қуйи юра), Гуруд (аален–қуйи байос), Дегибадам (юқори байос), Тангидувал (қуйи–ўрта бат), Бойсун (юқори бат – қуйи келловей).

Юра даври карбонат формацияси (КФ) кесимининг литологик-фациал хусусиятлари. Терриген ётқизиқлари устида мос ҳолда ўта қалин карбонат қатлами ётади, у турли оҳактошлардан иборат бўлиб, ҳудудда кенг тарқалган. Ўрганилган ҳудудда карбонат формациянинг (КФ) кесимида пастдан юқорига йўналишда ўрта юра даври келловей ярусининг XVI, XV-а ўтказувчан горизонтлари ҳамда юқори юра даври оксфорд-кимеридж ярусининг XV-1, XV-2, XV-3 ўтказувчан горизонтлари ажратилади. Г.С. Абдуллаев ва Х.Х. Миркамаловлар томонидан 2009 йилда шакллантирилган БХР ва ЖҒХР даги карбонатли формациянинг унификацияланган стратиграфик схемасига кўра, бойсун свитасининг терриген-карбонат қатламлари устида Қандим свитасининг ётқизиқлари (XVI горизонт) ётади, уларнинг ёши ўрта келловей даври ҳисобланади. Улардан кейин Мубарек свитасининг ётқизиқлари келади, уларнинг қуйи қисмида асосан юқори келловей даврида шаклланган XVa ва XV-3 горизонтлари жойлашган, улар биргаликда XV-3 горизонт сифатида ажратилади.

Юра даври туз-ангидрит формациясининг (гаурдак свитаси) литологик-фациал хусусиятлари. Геологик кесимда кейинги, яъни карбонат формация ётқизиқлари устида туз-ангидрит формацияси (ТАФ) жинслари ётади. Излов-қидирув ишларининг бошланғич босқичида БХР ҳудудидаги туз-ангидрит формацияси ётқизиқлари асосан углеводород уюмларининг устида жойлашган

бўлиб регионал қопқоқ вазифасини ўтайди. Амалдаги маълумотлар борган сари, умуман бу қатламнинг ички тузилиши, унинг айрим қисмлари хусусиятлари, юра карбонат формациясидаги УВ тутқичларини башоратлашда фойдаланила бошланган. Туз-ангидрит формацияси қуйи ангидрит қатлами, қуйи туз қатлами, ўрта ангидрит қатлами, юқори туз ва юқори ангидрит қатламларидан иборат.

Тадқиқот ишлари ўтказилган ҳудудда бўр ётқизиклари қуйи ва юқори бўлимлардан иборат бўлиб, юқори юра ётқизиклари устида стратиграфик номувофик ҳолда ётади. Ўрганилган ҳудудда бўр ётқизикларининг умумий қалинлиги 1400 дан 1800 м гачани ташкил қилади.

Қуйи бўр даврига мансуб ётқизиклар литологик хусусиятлари ва палеонтологик таърифларига кўра қуйидаги қатламларга бўлинади: неоком устки яруси, апт ва альб яруслари. Улар ҳосил бўлишига кўра континентал ва денгиз-лагуна ҳосилаларидан иборат бўлади. Юқори бўр ётқизиклари сеноман, турон яруслари ва сенон устки ярусларига бўлинади.

Бухоро тектоник поғонасининг ғарбий қисмида юра системаси ётқизиклари ювилиб кетганлиги сабабли, палеозой эраси ҳосилалари устида ётади. Ҳосил бўлиш ва литологик таркибига кўра икки хил: терриген ва карбонатли қатламлар ажратилади. Газли кўтарилмаси ва Тузкой эгиклигида терриген формацияси ётқизиклари учрамайди, қалинлиги кам юқори юра ётқизиклари эса палеозой ҳосилалари устида жойлашган. Янгиказган кўтарилмаси, Дашкали эгиклиги ва Мешекли кўтарилмаси ҳудудларида эса ўрта юра терриген формацияси ажратилади. У палеозой эрасининг устида стратиграфик номувофик ҳолда ётади. Бу жойда XVIII (тангидувал свитаси) ва XVII (бойсун свитаси) ўтказувчан горизонтлар ажратилади.

Юра даври карбонат формацияси (КФ) кесимининг литологик-фациал хусусиятлари. Терриген ётқизиклари устида, мос ҳолда оҳактошларнинг ҳар хил турларидан иборат бўлган ва ҳудудда кенг тарқалган ўта қалин карбонат қатлами ётади. Ўрганилган ҳудудда КФ кесимида пастдан юқорига қараб ўрта юра даври келловей ярусининг XVI, XV-а ўтказувчан горизонтлари ва юқори юра даври оксфорд-кимеридж ярусининг XV ўтказувчан горизонти ажратилади.

Бухоро тектоник поғонаси ғарбий қисмида юра даврининг туз-ангидрит формацияси (гаурдак свитаси) ётқизиклари ювилиб кетган.

Қуйи бўр даврига мансуб ётқизиклар литологик хусусиятлари ва палеонтологик таърифларига кўра қуйидаги қатламларга бўлинади: неоком устки яруси, апт ва альб яруслари. Улар ҳосил бўлишига кўра континентал ва денгиз-лагуна ҳосилаларидан иборат. Юқори бўр ётқизиклари сеноман, турон яруслари ва сенон устки ярусларига бўлинади.

Ўрганилган ҳудуд тектоник жиҳатдан Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисмида, Турон платформаси Амударё синеклизасининг шимоли-шарқий қисмида жойлашган бўлиб, шимолдан Қизилқумолди флексура-ёриқли зона билан, жанубдан – Амударё флексура-ёриқли зона билан, ғарб томондан –

Хоразм воҳаси билан, шарқ томондан – Ромитан эгиклиги ва Денгизкўл кўтарилмаси билан чегараланган.

Ўрганилган худуднинг майдони 19680 км² ни ташкил этади ва Бухоро тектоник поғонасининг бир қисмини (Газли кўтарилмаси, Тузкой эгиклиги, Янгиказган кўтарилмаси, Дашкали эгиклиги ва Мешекли кўтарилмаси) Чорджўй тектоник поғонасининг бир қисмини (Қандим кўтарилмаси, Кулбешкак-Питняк вали, Қоракўл эгиклиги, Учқир-Кимерек вали, Биргутли эгиклиги) ҳамда Учбаш-Қарши флексура-ёриқли зонасининг ғарбий қисмини камраб олади.

Амударё нефтгазли ҳавзасининг бир қисми бўлган Бухоро-Хива нефтгазли региони худудида учта маҳсулдор комплекс ажратилган: ўрта юра терриген формацияси, ўрта-юқори юра карбонат формацияси ҳамда бўр терриген формацияси. Ушбу санаб ўтилган комплекслар ўзининг литологик таркибига ва физик-сиғим хусусиятларига кўра бир-биридан фарқланади ва ўзига хос хусусиятларга эга.

Бухоро поғонаси ғарбий қисми қатламларининг маҳсулдорлиги юра (XV, XVa – горизонтлари) ва бўр (VIII, IX, X, XI, XII, XIII, XIV – горизонтлари) даврига оид ётқизиқлар билан боғлиқ бўлиб, Газли, Янгиказган, Ёрқин, Муллахол, Тошқудук конлари аниқланди.

Чорджўй поғонасининг ғарбий қисмида ўтказилган геологик-қидирув ишлари натижасида бир қатор конлар аниқланди: Дояхотин, Кулбешкак, Учқир, Ходжиказган-Учбурган, Шимолий Сузма, Ҳаққўл, Отамурод, Оққум-Парсанкўл, Ғарбий Ходжи, Ходжи, Чегарақум, Четқум, Тўмарис ва бошқалар. Асосий маҳсулдор комплекслар ўрта юра (XVII, XVIII, XIX – горизонтлар), ўрта-юқори юра (XV-1, XV-2, XV-3, XVa, горизонтлари) ва қуйи бўр ётқизиқлари (XIV – горизонт).

«Структуравий тутқичларнинг шаклланиш жараёнлари ва мезозой ётқизиқларининг нефтгазга салоҳияти» деб номланган учинчи бобда мезозой ётқизиқларида геологик структураларнинг шаклланиши жараёнларининг палеотектоник таҳлили ўтказилган, углеводород тутқичларининг геологик тузилиши ҳамда мезозой ётқизиқларининг нефтгазга салоҳияти аниқлаштирилди, юра ва қуйи бўр ётқизиқларидаги структураларнинг геологик моделлари яратилди.

Бухоро-Хива региони ғарбий қисмида мезозой ётқизиқларининг геологик, тектоник ривожланиш тарихини аниқлаштириш ва нефтгазга салоҳиятини баҳолаш мақсадида 5 та йўналиш бўйича палеотектоник кесмаллар тузилди.

Палеотектоник кесманинг биринчи йўналиши Қандим кўтарилмаси, Қоракўл эгиклиги, Кулбешкак-Питняк вали ва Биргутли эгиклиги орқали ўтади. Ушбу кесма Чорджўй тектоник поғонаси бўйлаб жанубий-шарқдан шимолий-ғарб йўналишида мезозой ётқизиқларининг тарқалишини, стратиграфик комплекслар ётишини баҳолаш имконини берди. Ҳар бир тектоник элемент бўйича қуйидаги излов-қидирув қудуқлари бурғиланган: №5 Алат, №4 Қандим, №3 Оққум, №1 Чаккақум, №1п Кулбешкак, №1 Каромат,

№1 Тўмарис. Бурғиланган кудукларнинг маълумотларига кўра ҳар бир стратиграфик комплекснинг қалинлиги корреляцион схемалар асосида аниқланди.

Палеотектоник кесманинг иккинчи йўналиши Газли кўтарилмаси, Тузкой эгиклиги, Янгиказган кўтарилмаси, Дашкали эгиклиги ва Мешекли кўтарилмаси орқали ўтади. Бу йўналиш Бухоро поғонаси бўйлаб жанубий-шарқдан шимолий-ғарбга мезозой ётқизикларининг тарқалишини, стратиграфик комплекслар ётишини баҳолаш имконини берди.

Палеотектоник кесманинг учинчи йўналиши Қандим кўтарилмаси, Қоракўл эгиклиги, Учбаш-Қарши флексура-ёриқли зонаси ва Газли кўтарилмаси орқали ўтади. Ушбу йўналиш икки йирик тектоник поғоналарда мезозой ётқизикларининг тарқалишини баҳолаш ва стратиграфик комплекслар ётишини таққослаш имконини берди, у қуйидаги излов-қидирув кудуклари орқали ўтади: №4 Қандим, №4 Ходжи, №1 Киммерек, №4 Тошқудук, №3 Газли ва №3 Тунгуз.

Тўртинчи йўналиш бўйлаб палеотектоник кесма Гадин грабени, Қоракўл эгиклиги, Кулбешкак-Питняк вали, Учқир-Киммерек вали, Учбаш-Қарши флексура-ёриқли зонаси ва Тузкой эгиклиги орқали ўтади. Ушбу йўналиш ўрганилган регионнинг марказий қисмида мезозой ётқизикларининг тарқалганлигини баҳолаш ҳамда турли йирик тектоник поғоналарда стратиграфик комплекслар ётишини таққослаш имконини берди.

Бешинчи йўналиш бўйлаб палеотектоник кесма Биргутли эгиклиги, Дашкали эгиклиги, Учбаш-Қарши флексура-ёриқли зонаси ва Мешекли кўтарилмаси орқали ўтади. Ушбу йўналиш ўрганилган худуднинг ғарбий қисмидаги мезозой ётқизикларининг тарқалганлигини баҳолаш имконини берди, у қуйидаги излов-қидирув кудуклари орқали ўтади: №1 Тўмарис, №1 Миройдин ва №1 Тупроққала.

Бухоро-Хива регионининг ғарбий қисмидаги мезозой ётқизиклари бўйича бажарилган палеотектоник таҳлил қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

- юра даври карбонат формациялари тўпланиш ва туз-ангидрит формацияси йиғилиши бошланиши даврида (титон яруси), киммерий этапи тектогенезида тектоник фаоллашув юз берган ҳамда Бухоро ва Чорджўй поғоналари оралиғида тектоник бузилиш (Учбаш-Қарши флексура-ёриқли зонаси) ҳосил бўлган;

- юқори бўр даври ётқизиклари йиғилишининг охири ва кайнозой эратемаси бошланишида, альп босқичи тектогенези натижасида ўрганилган худуд ғарбий қисмининг ҳозирги структуравий ҳолати шаклланган.

Стратиграфик комплекслар кесимида нефть ва газ уюмларининг жойлашувини ва тақсимланишини таҳлил қилиш мақсадида, кудукларнинг геофизик тадқиқот маълумотлари асосида бешта йўналиш бўйлаб геологик профиллар ва корреляциялар схемаси тузилган. Улар ёрдамида ҳар бир стратиграфик комплекснинг тарқалганлик даражасини, чўзиқлигини ва қалинлиги ўзгариб боришини, тектоник бузилишларнинг давомийлигини ва

жойлашувини баҳолаш имконини берди. Турли тектоник элементлар доирасида маълум стратиграфик комплекслар қалинлигининг кескин фарқланиши туфайли, муаллиф томонидан кўринишни аниқ тасаввур қилиш мақсадида, юқори бўр даври, қуйи бўр даври ва юра даври ётқизиклари учун алоҳида корреляциялар схемаси тузилди.

I-I йўналиш бўйлаб ўтган геологик кесмада, углеводород уюмлари регион миқёсида юра даври карбонат формациясининг XV-1, XV-2, XV-3 ва XVa горизонтларига боғлиқ эканлиги кўринади. Юра терриген ётқизикларида углеводород уюмлари фақат Қандим кўтарилмаси ва Қоракўл эгиклигининг ғарбий қисми ҳудудида аниқланган, уларнинг маҳсулдорлиги XVII, XVIII, XIX горизонтлар билан боғлиқ. Кесмада кўриш мумкинки, Кулбешкак-Питняк вали ҳудудида ҳам юра терриген қатламининг қалинлиги ҳамма жойда бир хил тарқалган, шу сабабли юра терриген ётқизикларини мақсадли ўрганиш тавсия этилади.

Қандим кўтарилмаси ҳудудида жойлашган Қувачи-Олот конида қуйи бўр даври ётқизикларининг XIV маҳсулдор горизонтида углеводород уюмлари аниқланган. Геологик кесмадан кўриниб турибдики, юқори бўр ётқизикларининг устки қисми бўйлаб қатламларнинг энг кўтарилган зонаси Кулбешкак-Питняк вали ҳудудида жойлашган. Кесма бўйлаб XIV горизонт Қандим, Окқум, Чаккақум, Кулбешкак, Тўмарис конларида деярли ўзгармас қалинликда тарқалганлиги кўринади, демак қуйи бўр ётқизиклари бўйича тутқичларнинг мавжудлик эҳтимоли ҳам юқори бўлади. Бугунги кунда қуйи бўр ётқизикларининг углеводородларга маҳсулдорлиги мақсадли ўрганилмаган бўлиб, муаллиф томонидан ўтказилган таҳлил Қандим, Окқум, Чаккақум, Кулбешкак ва Тўмарис конлари ҳудудида XII, XIII, XIV горизонтларини синаб кўриш зарурлигини кўрсатди. Қолган горизонтларда ҳам нефть ва газ уюмларининг аниқланиши республика хомашё базасининг ўсишига олиб келади.

II-II геологик кесмадан кўриниб турибдики, юқори бўр ётқизикларининг устки қисми бўйлаб қатламларнинг энг кўтарилган зонаси Газли ва Янгиказган кўтарилмалари яқинида жойлашган. Излов-қидирув бурғилаш ишлари натижасида Газли кўтарилмаси ҳудудидаги юқори бўр ётқизикларининг турон ярусини (VIII горизонт), сеноман ярусини (IX, X горизонтлари) маҳсулдор эканлиги исботланган. Геологик профилга кўра, Мешекли кўтарилмасидан Газли кўтарилмасигача бўлган ҳудуд бўйлаб юқори бўр ётқизиклари барча ярусларининг маҳсулдор горизонтлари қалинлиги 1,5 бараваргача қисқаради. Қалинликларни ўзгариши таҳлилидан кўриниб турибдики, Янгиказган ва Мешекли кўтарилмалари ҳудудида углеводородлар олинадиган горизонтлар қалинлиги яхши сақланганлиги сабабли, уларни мақсадли равишда ўрганишни амалга ошириш зарур.

Қуйи бўр ётқизикларининг устки қисми бўйлаб учта катта антиклинал – Газли, Янгиказган ва Мешекли зоналари ажратилади, бунда уларнинг ичида энг юқори кўтарилган зона Газли кўтарилмасида жойлашган. Излов-қидирув бурғилаш натижасида Газли кўтарилмасининг ҳудудида альб ярусини (XI

горизонт), апт яруси (XII горизонт), неоком устки яруси (XIII, XIV горизонтлари) ҳамда Янгиказган кўтарилмасининг ҳудудида апт яруси (XII горизонт), неоком устки яруси (XIII, XIV горизонтлари) қатламларининг маҳсулдорлиги исботланган.

Геологик кесмада Янгиказган ва Мешекли кўтарилмаларини таққослаганда, маҳсулдор горизонтларнинг қалинлиги деярли бир хил эканлиги кўринади, у Мешекли кўтарилмасининг истиқболлини баҳолаш имконини берди. Шу сабабли, Мешекли кўтарилмасидаги қуйи бўр ётқизикларининг барча маҳсулдор горизонтларини мақсадли ўрганиш зарур бўлади. Баъзи мутахассисларнинг фикрича, Тузкой эгиклиги углеводородлар генерациясининг ўчоғи бўлиши мумкин ва тўпланган маҳсулотлар Газли ва Янгиказган кўтарилмаларига миграция бўлиб ўтган, Тузкой эгиклигининг ўзида эса уюмларнинг сақланиши структуравий жиҳатдан оптимал бўлмаган.

Бошқа томондан, агар углеводородларнинг Тузкой эгиклигидан унга ёндош Янгиказган ва Газли кўтарилмаларига горизонтал миграцияси юз берган деб тахмин қилсак, у ҳолда уларнинг Газли конига миграцияси йўлида Такиркудук, Аладагир ва бошқа структуралар, Янгиказган конига миграцияси йўлида эса – Кийиксой, Тандирли ва бошқа структуралар ҳам жойлашган, ушбу тахмин ҳаққоний бўлганда бу структуралар ҳам маҳсулотга тўлган бўлиши керак эди. Аммо ушбу структураларда ўтказилган бурғилаш ишлари натижасида қатламдан сув олинган. Шу сабабли, диссертантнинг фикрича, Янгиказган ва Газли кўтарилмаларининг маҳсулдорлиги асосан вертикал миграция билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

III-III геологик кесмага кўра, юқори бўр ётқизикларининг устки қисми бўйлаб қатламларнинг энг кўтарилган зонаси Газли кўтарилмаси ҳудудида жойлашганлиги кўринади. Излов-қидирув бурғилаш ишлари натижасида Газли кўтарилмаси ҳудудида бўр ётқизикларининг турон яруси (VIII горизонт), сеноман яруси (IX, X горизонтлари), альб яруси (XI горизонт), апт яруси (XII горизонт), неоком устки яруси (XIII, XIV горизонтлари) маҳсулдор эканлиги исботланди. Қандим кўтарилмаси ҳудудида, Кувачи-Олот конида қуйи бўр ётқизикларининг XIV маҳсулдор горизонтида углеводород уюмлари аниқланган ва бўр ётқизикларида маҳсулдорлиги исботланган ягона кон ҳисобланади. Қандим кўтарилмаси ва Қоракўл эгиклиги ҳудудларида бўр даври ётқизиклари мақсадли ўрганилмаган. Геологик кесмада эса тектоник элементлар ёриқли бузилишлар орқали 4 та блокка ажратилганлиги кўринади.

Уларнинг энг паст жойлашган зонаси – Қоракўл эгиклиги ҳудудида юра даври ётқизиклари эса стратиграфик номувофиқ ҳолда Газли кўтарилмасининг палеозой ётқизиклари билан чегараланган. Қоракўл эгиклиги ҳудудида бурғиланган №1 Кимерек қудуғида юра ётқизикларидан керн наъмуналари олинган ва геокимёвий таҳлил натижасида Сорг қиймати бошқа ҳудудларга қараганда юқорилиги ҳамда нефть яратувчи она тоғ жинсларининг сифати ўта юқори эканлиги аниқланган. 1-Учбаш қудуғи ва 1п-Шимолий Кимерек қудуғидан олинган терриген-юра ётқизикларининг (XX ва XIX горизонтлари) намуналарида Сорг миқдорининг қиймати чегараси – бир фоизнинг ўндан бир

қисмидан 3,67 % гача; битумоидлар (ХБА) миқдори – 0,008 % дан 0,193 % гача ўзгариб туради. Сорг (3,67 %) ва ХБА (0,193 %) га энг бой тоғ жинси– Учбашдаги XX горизонтнинг 3322-3328 м оралиғидан олинган қора гиллар ҳисобланади. Кимерек, Шимолий Кимерек ва Учбаш майдонларида XVIII горизонтдан олинган намуналарда Сорг қиймати 0,21 дан 3,94% гача ўзгариб туради. Шимолий Кимерекдаги қора гиллар (Сорг-2,74 %, ХБА-0,08 %) ва Учбошдаги тўқ кулранг кумтошлар (Сорг-3,94 %, ХБА 0,239 %) мос ҳолда 2521-2528 м ва 2125-2127 м оралиқларида Сорг ва ХБА га энг бойитилган тоғ жинслари ҳисобланади. Шимолий Кимерек конгломератларида ва Учбашнинг оч кулранг кумтошларида уларнинг паст қийматлари (0,10-0,17%) аниқланган.

Тоғ жинсларидан ХБА чиқиши 0,015 % дан 0,098 % гача ўзгариб туради. Кимерек майдонида 1874-2049м оралиғида юқори юра даврига оид карбонатли тоғ жинслари (XVa, XV-3, XVI), ўрта юра даврига оид намуналардан фарқли ҳолларда Сорг (0,01-0,28 %) ва ХБА (0,022-0,040 %) миқдорининг паст қийматлари билан ажралиб туради. Фақат 1899-1903 м оралиғидаги тўқ кулранг оҳактошли аргиллит таркибида Сорг (1,18 %) ва ХБА (0,040 %) миқдори ошгани кузатилади. Кимерек майдони 4-қудуғини синовдан ўтказганда 1999-2004 м оралиғидан саноат аҳамиятига эга бўлмаган газ оқими олинган. Ушбу газ метан таркибли ва оғир углеводородларнинг миқдори юқори ($C_{2+oлий}$ 3 % дан кўп) бўлган хусусиятларга эга.

Углеводородларнинг миграцияси масаласига қайтсак, агар Қоракўл эгиклигида нефть ярата олувчи она тоғ жинсларининг сифати юқори бўлса, Газли кўтарилмаси томонга горизонтал миграция ҳолатида, биринчи навбатда, миграция йўлида жойлашган барча горизонтлар, шу жумладан Тошқудук конининг палеозой ётқизиклари маҳсулотга тўйинган бўлиши керак эди. Аммо, амалдаги ҳолатга кўра, Тошқудук конида фақат иккита горизонт истиқболли эканлиги маълум, шу билан бирга, Газли конида эса VII, VIII, IX, X, XI, XII, XIII горизонтларнинг истиқболли эканлиги аниқланган.

